Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

● 2012-yil, 10-aprel. Seshanba ● 45 (31.477) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

## БУЮК БРИТАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

**Икки томонлама ҳамкорлик дастури доирасида мамлакатимизга ташриф буюрган Буюк Британия ҳукумати аъзоси, Консерваторлар партияси ҳамраиси баронесса Саида Варси 9 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова билан учрашди.**

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Икки мамлакат ўртасида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш борасида ўзаро тажриба ва ахборот алмашувини такомиллаштириш, бу йўналишдаги ҳамкорликни фаоллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларнинг касб, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар юксак самаралар бермоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони муҳим дастуриламал бўлаётир.

Буюк Британиялик меҳмон мамлакатимизда хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнат шароитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ва қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган хайрли ишларга юксак баҳо берди.

Саида Варси Тошкент Халқаро Вестминстер университетида профессор-ўқитувчилар ва талабалар билан мулоқотда бўлди.

— Ўзбекистонга ташрифим доирасида қадимий ва навқирон Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлганимдан ҳам мамнунман, — деди Саида Варси хоним. — Сафаримиз Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 676 йиллиги кенг нишонланаётган кунларга тўғри келгани ҳам бизни ғоят қувонтиради. Буюк аждодингизнинг Мовароуннаҳр халқлари маданияти ва илм-фани тараққиётида тутган ўрни беқиёсдир. Амир Темур ва темурийлар даврида қурилган ва бугунги кунгача сақланиб қолган тарихий обидалар ўша давр меъморчилиги ва бунёдкорлик ишларининг энг гўзал намуналаридир. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва очиқкўнгиллиги мени жуда лол қолдирди. Ўзбекистонда барча соҳаларда юксак тараққиётга эришилаётгани, жумладан, парламентаризм ва қонун ижодкорлиги йўналишларида ҳам катта муваффақиятлар қўлга киритилаётгани таҳсинга лойиқдир. Мақсадимиз Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдир.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## 9 апрель — Амир Темур таваллуд топган кун



Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.

# СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

**Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан маънавий қадриятларимизни тиклаш, тарихни холис ва чуқур ўрганиш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар самарасида Соҳибқирон бобомизнинг шарафли номи тикланди. Амир Темурнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси бугун дунё миқёсида кенг ва катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.**

**Амир Темур таваллудининг 676 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтаётган илмий анжуманлар, маърифий тадбирлар, давра суҳбатларида бу яна бир карра ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.**

⇨ 3

## МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилишда Комиссия томонидан телерадиодастурларни тарқатиш ва маълумотлар узатиш тармоқларида хизматлар кўрсатиш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг лицензия олиш, шунингдек, фаолият турларига лицензияси мавжуд субъектларнинг лицензия муддатларини узайтириш ва лицензия битимларини расмийлаштириш ҳамда лицензия битимига тегишли қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритишга оид аризалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, Комиссия фаолиятига доир бир қатор бошқа масалалар ҳам кўрилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

**ЎзА**

## ЎзХДП: устувор вазифалар



# ПОЙТАХТИМИЗНИНГ *ижтимоий-иқтисодий салоҳияти* юксалишида ЎзХДП ташкилотлари ва депутатлик гуруҳи фаол иштирок этади

**Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг VIII пленуми бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари, туман кенгашлари раислари ва партия фаоллари иштирок этди.**

Пленум ишида «Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар ташкилотлари ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳининг 2012 йилда Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини бажаришдаги вазифалари тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.

Унда жорий йилнинг 16 март куни бўлган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялардан келиб чиқиб, партия депутатлик гуруҳи олдида турган муҳим вазифалар ҳамда пойтахт ривожида партия ташкилотлари иштироки масаласи муҳокама этилди.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож одамларни қўллаб-қувватлашда турли жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик, уни мустаҳкамлаш, меҳнатга лаёқатли кишилар, ишга жойлашишда қийинчиликка дуч келаётган ёшларни касаначилик ва оилавий тадбиркорликка жалб этиш энг долзарб вазифа экани уқтирилди. Ўз-ўзини танқид руҳида ўтган пленумда ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши ва Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳининг ўтган йилги фаолияти чуқур таҳлил этилди.

**Учқун ШОЙИМҚУЛОВ,**
***ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси:***

— ЎзХДП Тошкент шаҳар, туман ва «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгашлари айни пайтда 1327 та бошланғич партия ташкилотини бирлаштирган. Партия аъзоларининг 13 минг нафардан зиёдини 30 ёшгача бўлган ёш йигит-қизлар ташкил этади. Ўтган йили қуйи бўғинлар фаолиятини жонлантириш, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқув-семинарлар мазмундорлигини ошириш, туман ва «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси қошидаги жамоатчилик қабулхоналарига бўлган мурожаатларни ўрганиб, уларда кўтарилган масалаларни ҳал этиш борасида муайян тажриба тўпланди. 2011 йил электоратимиз вакиллари мурожаатининг 88 фоизи ижобий ечим топди. Бу олдинги йилга нисбатан 5 фоиз кўп, демакдир.

Бироқ ишимизда камчиликлар ҳам оз эмас. Афсуски, аввалги йиғилишларда танқид қилинган Сергели, Яккасарой, Бектемир ва Мирзо Улуғбек каби туман партия кенгашлари улардан тўғри хулоса чиқариб олмади. Шунингдек, баъзи туманларда партия сафига фаол, ташаббускор ёшларни жалб этиш иши ҳам кўнгилдагидек эмас. Айниқса, Сергели ва Бектемир туманлари ҳамда «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгаши бу масалага совуққонлик билан қараб келмоқда. Бундан ташқари, аъзолик бадалларини тўлиқ ва вақтида тушишини таъминлашда ҳам Бектемир, Мирзо Улуғбек ва Сергели туман кенгашлари сусткашлик қилди.

Сиёсий партиялар ўртасидаги соғлом рақобат тобора жонланаётган, одамлар онги ва дунёқараши ўсаётган ҳозирги шароитда қўл қовуштириб ўтириш, аввалгидек эскича фикрлаб, хўжакўрсинга ишлаш маъқул эмас. Баъзи маҳаллий Кенгаш раҳбарлари буни яхши англаб олиши керак.

*(Давоми 2-бетда.)*

## Парламент комиссиясида

# МАБЛАҒ МАҚСАДЛИ ЙЎНАЛТИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси матбуот анжумани ўтказди. Унда Парламент комиссияси 2011 йил давомида амалга оширган ишлар натижалари ва 2012 йилда кўзда тутилган устувор вазифалар бўйича ахборот берилди.

Маълумотларга кўра, ўтган йили нодавлат нотижорат ташкилотлар таклиф этган лойиҳаларни молиялаштириш учун **5** миллиард сўм маблағ ажратилган. Шу тариқа экология ва атроф-муҳитни асраш, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, баркамол авлодни шакллантириш, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва уларнинг эркинлигини мустаҳкамлаш борасида қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилган.

Парламент комиссияси Жамоат фонди маблағлари мақсадли ишлатилишига эътибор қаратмоқда. Бу борада муайян мониторинг тизими шакллантирилди. Ўтган йили **59** та ННТ ва фуқаролик жамияти институтларидан мақсадсиз сарфланган **78,9** миллион сўм қайтариб олинди.

2012 йил нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, жамиятда ижтимоий шерикликни янада кучайтириш мақсадида давлат бюджети ҳисобидан **6 миллиард сўм** маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Матбуот анжуманида айтилдики, бу йил **5** та грант танлови ўтказиш белгиланган. Унинг иккитаси «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини амалга оширишга қаратилган лойиҳалар учун ажратилган.

Шунингдек, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, журналистларнинг касбий маҳоратини ошириш, демократик ислоҳотлар очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий билими ва саводхонлигини янада ўстиришга қаратилган грант танлови эълон қилинади.

Бундан ташқари, ёшларнинг илмий-техникавий, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини оширишга, атроф-муҳит муҳофазаси ва аҳоли саломатлигини сақлаш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланишда аҳоли ва ННТларнинг фаоллигини кучайтиришга хизмат қиладиган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш Парламент комиссияси диққат-эътиборида.

Матбуот анжуманида ўтган йили амалга оширилган лойиҳаларнинг ижобий самараси ҳақида маълумот берилди.

**Элмурод ЭГАМҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Божхона тизими

**«Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона мажмуасида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун «Очиқ эшиклар куни» ўтказилди. Тадбир доирасида «Божхона қонунчилигидаги янгиликлар, божхона имтиёзлари ва қулайликлар» мавзусида давра суҳбати ҳам ташкил этилди.**

# ҚУЛАЙЛИК ВА ИМТИЁЗЛАР

Давлат божхона қўмитаси томонидан тадбиркор ва ишбилармонлар учун ҳар ойда бир маротаба «Очиқ эшиклар куни» тадбирини ўтказиш анъанага айланган. Бу божхоначилар ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётир. Рақамларга мурожаат қилсак, Давлат божхона қўмитаси ва таркибий тузилмалари томонидан йил бошидан буён ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари билан жами 132 маротаба учрашувлар ташкил қилинган.

Тадбирда 2011 йил 1 ноябрдан бошлаб божхона юк декларацияларининг электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган электрон нусхасини тақдим этиш тартиби ҳақида ҳам батафсил ахборот берилди. Электрон декларациялаш тартиби «реал юк — вирутал ҳужжат» тамойилга асосланади. Таъкидлаш жоизки, электрон декларациялаш тизими бир неча йилдан буён божхона органлари фаолиятига босқичма-босқич тарзда жорий этилмоқда. Жумладан, 2007 йилдан бошлаб соҳада божхона юк декларациялари маълумотларига ишлов беришнинг автоматлаштирилган тизими йўлга қўйилди. Мазкур тизим маълумотларнинг форматли ва мантиқий назоратини амалга ошириб, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисларнинг ғайриихтиёрий хатоларининг олдини олиш имконини беради ҳамда божхона тўловлари тўғри ҳисобланганини текширади.

**Азима ҚИЁСОВА,**
**«Туркистон-пресс».**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2012 ЙИЛ 10 АПРЕЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Евро | 2440,79 | 1 Дания кронаси | 324,79 | 1 Хитой юани | 293,31 | 1 Туркия лираси | 1031,43 |
| 1 АҚШ доллари | 1849,76 | 1 БАА дирҳами | 503,69 | 1 Украина гривнаси | 231,58 | 1 Швейцария франки | 2010,61 |
| 1 Россия рубли | 62,79 | 1 Миср фунти | 306,51 | 1 Малайзия ринггити | 602,43 | 10 Жанубий Корея вони | 16,26 |
| 1 Австралия доллари | 1901,18 | 1 Исландия кронаси | 14,47 | 1 Польша злотийси | 580,85 | 10 Япония иенаси | 227,33 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2934,09 | 1 Канада доллари | 1856,07 | 1 СДР | 2845,26 | | |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Бошланғич ташкилот — асосий таянч

# ҚУЙИ БЎҒИН ПАРТИЯ ПОЙДЕВОРИ

## унинг фаоллиги, ташаббускорлиги сиёсий партияга одамлар ишончини оширади

**Бошланғич партия ташкилоти электоратга энг яқин бўғин. Шу боис, улар фаолиятини бугунги кун талаблари асосида ташкил этмасдан туриб, партиянинг одамлар орасидаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириб бўлмайди. Бу эса вилоят ва маҳаллий партия кенгашлари қуйи бўғин фаолиятини такомиллаштиришини талаб қилади.**

**ЎзХДП Хоразм вилояти партия кенгаши раиси Раимберган САБУРОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда.**



***— Энг аввало, БПТнинг сиёсий партия ҳаётидаги ўрни ҳақида тўхталсангиз.***

— Қуйи бўғин партиянинг қон томири дейиш мумкин. Чунки, уларнинг фаоллиги, юзага келаётган муаммо ва долзарб масалалар бўйича аниқ фикрга эга бўлиши, амалий ҳаракат қилиши сиёсий партия обрўйини белгилайди. Улар ишласа, халқ ҳурматига сазовор бўлса, партия ҳам қадр топади. Бўлмаса, йўқ!

Бошланғич ташкилот ишлаб чиқариш корхонасидами, тиббиёт муассасаси ёки маҳалла фуқаролар йиғинидами, қаерда тузилган бўлишидан қатъи назар, одамлар билан ҳамнафас, ҳамфикр бўлиши, уларни ташвишга солаётган муаммоларни ҳал этишда ташаббус кўрсатиши лозим. Бир сўз билан айтганда, бошланғич партия ташкилоти дастурий мақсад ва ғояларни тарғиб этишда бош-қош бўлиши керак. Айни пайтда, Хоразм вилоят партия кенгаши таркибида 718 та бошланғич ташкилот бор. Улар ўз сафида 30 минг нафардан зиёд аъзони бирлаштирган.

Уларнинг аксарияти вилоят, туман ва шаҳар партия кенгаши томонидан ўтказиладиган ўқув-семинарлар, тренинглар, давра суҳбатлари, сиёсий ва фуқаролик маърифати доирасидаги машғулотларда мунтазам иштирок этиб, партиямиз қарашларини тарғиб қилишда жонбозлик кўрсатмоқда. Чунки демократик ислоҳотларда бизнинг иштирокимиз, асосан улар орқали бўлади, бунда уларнинг ташаббускорлиги ва сиёсий етуклиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини самарали йўлга қўйиш, тадбирларни жонли ва баҳс-мунозарага бой руҳда ташкил этиш фуқароларимизнинг ҳуқуқий-сиёсий маданияти ошишида ғоятда муҳим.

***— Қуйи бўғинлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган туман партия кенгашларининг бу борадаги ютуқларини аниқ мисоллар орқали очиб берсангиз.***

— Бу ҳақда сўз кетганда, Хонқа, Боғот, Янгибозор, Урганч туманлари ҳамда Урганч шаҳар партия кенгаши бошқаларга ўрнак бўлаётганини айтиш лозим. Жумладан, Хонқа туманида 3076 нафар партия аъзоси 63 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Бу ерда 16 та ҳудудий партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Бошланғич ташкилотларнинг маҳалла фуқаролар йиғинлари ва меҳнат жамоаларида тузилгани электорат вакиллари билан ишлашда яхши самара бермоқда. Мазкур ҳududдан сайланган маҳаллий Кенгаш депутатлари улар билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатган.

Бундан ташқари, бошланғич ташкилотларнинг туман партия кенгаши ходимлари, тафтиш комиссияси аъзолари ва тарғибот гуруҳи вакилларига бириктирилиши ўз натижасини бермоқда. Бу билан барча ташкилотлар ишини мувофиқлаштиришга эришилмоқда. Бу эса белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали ўтишига замин ҳозирлайди.

Айтиш кераkки, етакчилар кенг дунёқараш ва мустақил фикрга эга бўлса, жамоатчилик билан ишлаш, раҳбарлик ва ташкилотчилик қобилиятини пухта ўзлаштирса, иш юришади. Ҳозир етакчиларни танлаш, уларни тайёрлаш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда, улар билан интерфаол усуллар орқали мунтазам ўқув-семинар, тренинг ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Зеро, ташкилот етакчиси эл хизматига яраса, электорат манфаатларини ҳимоя қила олса жойларда партиямиз мавқеи ошади.

***— Бошқаларга ҳар жиҳатдан намуна бўлаётган бошланғич ташкилот етакчилари борми? Уларнинг иш тажрибасини оммалаштириш борасида нима қилинаётир?***

— Вилоятда қуйи бўғин фаолиятини кучайтириш мақсадида елиб-югураётган етакчилар кўп. Мисол учун, Хонқа туманидаги «Намуна» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, туман Кенгаши депутати Бекчанбой Маҳмудов етакчилик қилаётган бошланғич ташкилот қишлоқ ҳудудидаги ташкилотлар билан яхши алоқа ўрнатган. Мазкур муассасаларда давра суҳбатлари, сиёсий ўқувлар ва спорт мусобақалари уюштиришда ҳам кўпчиликка ибрат бўлмоқда. Ҳududдаги электорат вакиллари, боқувчисини йўқотган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож одамлар аҳволидан доим хабардор. Уларни имкон қадар қўллаб-қувватлайди.

Урганч туман тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий касалхона ходими Зумрат Бекчанова ҳам фаол етакчиларимиздан. У қарийб ўн беш йилдан буён шу муассасада тузилган ва 100 нафарга яқин партия аъзосини бирлаштирган ташкилотни бошқариб келмоқда. У партия сафига иқтидорли ёшларни кенг жалб қилиш, шунингдек, шифохонада фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари орасида партиянинг дастурий мақсадлари, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар, қабул қилинган янги қонунлар тарғиботига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

Зайниддин Матниёзов «Қишлоқхўжаликкимё» бирлашмаси Янгибозор туман бўлимидаги ташкилотда етакчи. Бу ерда меҳнат қилаётган ўттиз нафарга яқин ходим ЎзХДП аъзоси. Айниқса, унинг партия дастурий ғояларини тарғиб-ташвиқ қилиш, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга меҳр ва эътибор кўрсатиш, корхонада меҳнат қилаётган хотин-қизлар учун зарур шарт-шароит яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовор. Ҳозир жойларда мана шундай фаол, ғайратли етакчилар тажрибасини бошқаларга ҳам ўргатиш, хусусан, эндигина сайланган ёшларга бу борада «мастер-класс», яъни маҳорат машғулотлари ўтказишга катта эътибор бераяпмиз.

***— Бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш, уларга амалий ёрдам кўрсатишга эътиборсиз қараётган туман кенгашлари фаолиятига танқидий баҳо берсангиз? Бунинг сабабларини қандай изоҳлайсиз?***

— Дарҳақиқат, баъзи бошланғич партия ташкилотларида ҳужжатлар билан ишлаш, қарорлар ижросини таъминлаш, уни назорат қилиш борасидаги ишлар талаб даражасида эмас. Бунинг асосий сабаби, ўша туман партия кенгашларининг БПТлар фаолиятини ташкил этишдаги сусткашлиги, ташаббус йўқлигида деб биламан. Айниқса, Гурлан, Қўшкўпир ва Хива туман кенгашларида мавжуд муаммоларни ҳал этишда қуйи бўғинлар имкониятидан фойдаланилмаяпти. Албатта, бунда вилоят партия кенгаши ҳам айбдор эканидан кўз юма олмайман.

Ҳозир бу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида тегишли чора-тадбирлар белгиланди, бир сўз билан айтганда, қуйи бўғин фаолиятини янада жонлантиришга, жамиятда уларнинг ўрнини мустаҳкамлашга ҳаракат қилаяпмиз.

**Нурали ОРИПОВ суҳбатлашди.**

---

Партияларaро баҳс

# ЛИБЕРАЛ ДЕПУТАТЛАР СУКУТ САҚЛАШМОҚДА

## *буни халқ депутатлари Деҳқонобод туман кенгашидаги ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳи мисолида кўриш мумкин*

**Мамлакатимизда демократик ислоҳотлар чуқур ва изчил тус олган, одамлар онги ва дунёқараши тобора юксалиб бораётган ҳозирги шароитда сиёсий партиялар янада фаол бўлиши, электоратни ўйлантираётган муаммоларни чуқур ўрганиб, уларни бартараф этиш учун амалий ишлар қилиши талаб этилмоқда.**

Бу жараёнда, айниқса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари зиммасига катта масъулият юкланади. Ўз вазифаси ва бурчига сидқидилдан ёндашган, ислоҳотлар тақдирига ўзини масъул ҳисоблаган депутат ҳудудлардаги муаммолар ечими бўйича аниқ ва амалий таклифлар билан чиқади, электорат манфаатини ифода этган ҳаётий ташаббусларни илгари суради. Акс ҳолда мажлисбозлик билан чекланиб қолади. Ваъда катта, гап кўп бўлади-ю амалий, фойдали иш кам бўлади. Буни халқ депутатлари Деҳқонобод туман Кенгашидаги ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳи мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бу ҳақда гап бошлашдан олдин ЎзХДПдан сайланган депутатлар фаолиятига назар ташласак. Туманда партиянинг 13 нафар депутати бор. ЎзХДП Сайловолди дастурига мувофиқ**, партия ўз фаолиятини бозор иқтисодиётига ўтиш даврида жамият ва давлатнинг алоҳида қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли қатламлари манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш, ифодалаш ва ҳимоя қилишга йўналтирган.** Бу борада туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи қатор ташаббуслар билан чиқди, талай амалий ишлар қилди.

Ўтган йили туман Кенгашининг 3 та сессияси бўлиб ўтган, ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан 2 та масала сессия кун тартибига киритилган. Уларда якка тартибда уй-жой қурилишининг аҳволи, Вазирлар Маҳкамасининг шу масалага доир қарорлари ижроси ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш каби муҳим масалалар муҳокама этилган. Сессияда ушбу масала юзасидан аҳоли яшаш масканларини замонавий андозада бунёд этиш ҳамда пенсия ва нафақа тайинлашда учраётган камчиликлар аниқ мисоллар орқали таҳлил этилди.

**Таҳлилларга таянадиган бўлсак, ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳи ҳақида бундай фикр билдириш қийин. Партиянинг 11 нафар депутати ўтган йили сессия кун тартибига бирон-бир масала киритмаган. Бу эса Давлат дастури асосида ҳокимлик томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг фаолиятини кучайтириш борасида амалга оширилган ишларга шериклик қилиш «анъана»сидан либераллар ҳамон воз кечмаганини кўрсатади.**

ЎзЛиДеП Сайловолди дастурида **қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш учун мумкин қадар қулай шарт-шароит яратиш, партия нафақат экспортга маҳсулот етказиб беришни уюштиришда, балки етиштирилган ва қайта ишланган саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлаштириш ва сертификатлаштиришда рўй берадиган расмиятчилик ҳолатларига чек қўйиш борасида ҳам иш олиб бориши қайд этилган.** Назаримизда, туман Кенгашидаги ЎзЛиДеП вакиллари бу ваъдани унутиб қўйганга ўхшайди.

Маълум бўлишича, туманда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхона умуман йўқ. Туманнинг мазкур йўналишдаги экспорт салоҳияти ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади. Агар бу ердаги аҳолининг аксарияти деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишини инобатга олсак, ҳақли савол туғилади: қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларни қайта ишлаш ва уларни экспортга йўналтириш масаласи бўйича, аввало, либераллар таклиф киритиши керак эмасми? Аммо далиллар шуни кўрсатадики, улар бу ҳақда ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаган. Демак, сайлов арафасида берилган ваъдалар қоғозда қолиб кетмоқда, сайловчилар ишончи суиистеъмол қилинмоқда.

Шунингдек, маҳаллий Кенгаш сессияларида Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам масала кўрилган. Унда халқ депутатлари туман Кенгаши раҳбари, ЎзХДП аъзоси Абдушукур Омонов маъруза қилган. Бироқ ЎзЛиДеП депутатлари бу борада ҳам ўз таклифларини билдиришдан кўра кузатувчи бўлишни маъқул кўришган. Ваҳоланки, партиянинг Сайловолди дастурида **«2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури бажарилишида партиянинг фаол иштироки, тадбиркорлик тузилмаларининг мавжуд захиралардан фойдаланишларини янада кўпроқ рағбатлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш асосида маҳсулот таннархини арзонлаштириш ҳамда сифатини яхшилаш, экспорт салоҳиятини ўстириш бўйича янги ташаббусларнинг илгари сурилишини кўзда тутади»** деб белгиланган**.** Бироқ партиянинг бу борадаги «фаол иштироки» нимада намоён бўлаётганини либералларнинг ўзлари ҳам айтиб бера олмаса керак.

Шу ўринда, яна бир мулоҳаза. ЎзЛиДеП нашри «XXI аср» газетасининг 2012 йил 29 март сонидаги «Сайловчи ишончини ким суиистеъмол қилаяпти?» деган мақолада **ижтимоий соҳада қонунийликни таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама муҳофаза этишда нафақат ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар, балки сиёсий партиялар ҳам бирдек масъул эканликлари, бу жараёнда улар қонунлар ва давлат дастурларининг жойлардаги ижроси юзасидан назорат олиб боришлари ва бу масалада ЎзХДП зиммасидаги масъулият юки оғирроқ экани** таъкидланган.

Дарҳақиқат, шундай. Аммо бу борада ҳам либерал депутатлар сукут сақлашмоқда. Туман кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи эса пенсия ва нафақа тайинлаш бўйича назорат-таҳлил ишларини олиб борган, аниқланган хато ва камчиликлар сессия муҳокамасига олиб чиқилган.

Кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш мамлакатни демократлаштириш ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим омили экани бугун изоҳ талаб қилмайдиган ҳақиқатга айланди. Партияларнинг жамиятдаги мавқеи эса кўп жиҳатдан депутатлик гуруҳлари фаолиятига боғлиқ. Шундай экан, амалий иш ўрнига кўпроқ баландпарвоз гапларни айтишни хуш кўрадиган либераллар жойлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганиб, холис хулоса чиқаришса, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлаймиз.

**Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

ЎзХДП: устувор вазифалар





# ПОЙТАХТИМИЗНИНГ

## *ижтимоий-иқтисодий салоҳияти*

## юксалишида ЎзХДП ташкилотлари ва депутатлик гуруҳи фаол иштирок этади

**Сергей КИМ,**
***халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати:***

— Ўтган йили депутатлик гуруҳимиз партиянинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш, хусусан, янги иш ўринлари очиш ва аҳолини доимий меҳнатга жалб этиш ишига ҳисса қўшиш борасида ижобий натижаларга эришди. Жумладан, депутатларимиз ташаббуси билан 120 нафарга яқин электорат вакиллари иш билан таъминланди.

Аммо ютуқлар билан бирга, ҳали ўз ечимини топмаган муаммолар ҳам талайгина. Яқинда бўлиб ўтган Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳаллий хомашё ҳисобига ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва инвестиция муҳитини ривожлантириш борасида билдирилган танқидий фикрлардан сўнг қилишимиз зарур бўлган ишлар ҳали кўп экани ойдинлашди.

Шу боис, ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда депутатлик гуруҳи мазкур сессияда айтилган тавсия ва кўрсатмалардан келиб чиқиб, бу борадаги вазифалар белгиланган қўшма дастур лойиҳасини ишлаб чиқдик. Уни тўлақонли бажариш учун бизда куч ҳам, салоҳият ҳам етарли. Фақат ҳар бир депутат масалага катта масъулият ва фаоллик билан ёндашиши зарур.

**Санталат МУҲИТДИНОВА,**
***ЎзХДП Учтепа туман кенгаши раиси:***

— Бугунги кунда туманимизда 300 нафардан зиёд киши касаначилик билан шуғулланади. Аммо ишсиз бўлган, меҳнатга лаёқатли электорат вакиллари ҳам оз эмас. Шуни инобатга олсак, олдимизда турган вазифалар кўлами катта экани ойдинлашади. Энг аввало, кишиларни, айниқса, уй ишидан ажралиб корхона ва ташкилотда ишлаш имкони бўлмаган, бола тарбияси билан банд аёллар ва ногиронларни уй меҳнатининг бу шакли ҳақидаги билим ва тушунчасини кенгайтириш лозим. Жойларда аҳоли билан учрашганда, кўпчилик касаначи бўлиб ишлаш қулай ва афзал эканини таъкидлаб, аммо унинг қонуний асослари ҳақида етарли тушунчага эга эмаслигини билдиришди. Демак, тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш керак.

Яқинда ўз-ўзини бошқариш органлари билан ҳамкорликда маҳалла ҳудудига яқин жойлашган ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолияти, улар тайёрлаётган маҳсулотлар ҳажми, сифати ва тури, иш ўринларини ўрганиш бўйича махсус чора-тадбир ишлаб чиқдик. Шу асосда меҳнатга лаёқатли, касби, ҳунари бор электорат вакилларини касаначиликка жалб қилмоқчимиз. Ҳозир уларни корхоналарга бириктириб, қонуний меҳнат асосида ўз ишини йўлга қўйиши, оила фаровонлигини мустаҳкамлашига кўмаклашишни мақсад қилганмиз.

**Равшан ИСОҚОВ,**
***Ўзбекистон темир йўллари компанияси «Қуйи механика» шўъба корхонасидаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти етакчиси:***

— Корхонамиз ходимларининг 78 нафари ХДП аъзоси. Уларнинг фаоллигини ошириш, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар тақдирига дахлдорлигини кучайтиришга ҳаракат қилаяпмиз.

Агар етакчи номига тадбир ўтказиб, вазифамни адо этаяпман, деб ўйласа хато қилади. Қуйи бўғин нафақат аъзолари сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириши, балки уларни ўйлантираётган муаммолардан хабардор бўлиши, шу асосда депутатлик гуруҳларига таклиф киритиши, жонли фаолият олиб бориши зарур. Шунинг учун партия ташкилотлари ва депутатларнинг БПТ етакчилари билан иш кўникмасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бундан ташқари, партиямизнинг Ҳаракат дастури ижросини таъминлашда қуйи бўғин иштирокини кучайтиришга жиддий эътибор берилмоқда.

Корхонамиз жойлашган Бектемир туман партия кенгаши зиммасига аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш жараёнида иштирок этиш юклатилган. Шундан келиб чиқиб, яқинда бу борада қилиниши лозим бўлган ишларни белгилаб олдик. Депутатлар ва партия кенгаши билан ҳамкорликда аъзоларимиз ўртасида оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, электорат вакиллари саломатлигини муҳофаза қилишга бағишланган давра суҳбатлари ўтказишга келишиб олдик.

**Ниғмон УМАРОВ,**
***Олмазор тумани «Эски шаҳар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:***

— Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида пойтахтимизнинг Эски шаҳар ҳудудини тубдан реконструкция қилиш ва ободонлаштириш ишларини янги босқичга кўтариш лозимлиги таъкидланди. Шу муносабат билан Тошкентнинг Эски шаҳар қисмини 2020 йилгача бўлган даврда ривожлантириш ва ободонлаштириш бўйича алоҳида ҳужжат қабул қилинди. Бу эса энг аввало, бизни, маҳалламиз аҳлини беҳад қувонтирди.

Чунки унда Эски шаҳарни тубдан реконструкция қилиш, янада ривожлантириш ва ободонлаштириш, аҳолининг ҳаёт сифатини ошириш, замонавий талаблар, шаҳарсозлик тамойиллари ва меъёрларига мувофиқ тарзда ижтимоий, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини шакллантириш, миллий меъморчилик анъаналарини асраб-авайлашга қаратилган қатор вазифалар белгиланган. Шундай экан, бу эзгу саъй-ҳаракатни тўла рўёбга чиқишида партия депутатлари ва маҳалламиз фаоллари ҳам муносиб ҳисса қўшиши, бу борада ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда иш олиб бориши даркор. Бугун пленумда шу масала юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

**Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ, Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.**

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

---

ЎзХДП: Ҳаракат дастури амалда

# ЯНГИ БЎСТОНДА ЯНГИ КОРХОНА

## *унда электоратимиз вакиллари — олти нафар имконияти чекланган ёшлар меҳнат қилмоқда*

Партия Ҳаракат дастурида аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш кўзда тутилган. Бу борада жойларда маҳаллий партия ташкилотлари, депутатлар ва фаоллар кўплаб амалий ишлар қилмоқда.

Зарбдор туманидаги Янги Бўстон қишлоғида партиямиз аъзоси Уллижон Отажонова имконияти чекланган фуқаролар учун уй-рўзғор буюмлари ва мебель тайёрлашга ихтисослашган кичик корхона очиш ташаббуси билан чиқди. Бу эзгу ҳаракат мутасадди ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланди. Уллижон «Микрокредитбанк»нинг Зарбдор филиалидан 8 миллион сўм имтиёзли кредит олди. Қисқа муддат ичида зарур дастгоҳлар олиб ўрнатиб, ишни бошлаб юборди. Бугун корхонада олти нафар имконияти чекланган ёш доимий меҳнат билан банд.

— Фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятидамиз, бир ой ичида яна 5 нафар ёшни ишга оламиз, — дейди қишлоқ врачлик пункти тиббиёт ҳамшираси Уллижон Отажонова. — Ярим йилдан сўнг корхонамизда меҳнат қилаётганлар сони 20 нафарга етади.

«Уллижон Отажонова» хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган буюмлар бежирим ва мустаҳкамлиги билан кўпчиликка манзур бўлаяпти. Электоратимиз вакиллари эса ўзлари учун доимий иш ўринлари яратилганидан мамнун. Ундан ҳам муҳими, улар яратувчанлик билан банд, жамиятга фойдали иш қилмоқда.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

9 апрель — Амир Темур таваллуд топган кун



# СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

9 апрель куни Тошкент шаҳридаги улуғ бобокалонимиз номи билан аталувчи файзли хиёбонда Соҳибқирон таваллудига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, жамоат ва халқаро ташкилотлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус вакиллари, маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, темурийшунос Санжар Ғуломов, «Туркистон» ва «Молодёжь Узбекистана» газеталари бош муҳаррири Салим Ашур ва бошқалар Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий анъана ва қадриятларимизни тиклаш, ёшларни буюк аждодларимизга муносиб инсонлар этиб вояга етказиш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этишини таъкидлади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, Амир Темур шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш, ўзлигимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш — тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизни, ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.

Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ёсихиса Курода донишмандлик, мардлик ва жасурлик рамзи бўлган азми қатъий беназир зот Амир Темур Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг фахри, куч-қудрати манбаи, чинакам қаҳрамони эканини таъкидлади.

Бобокалонимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти, кучли ва обод мамлакат, адолатли жамият барпо этиш, тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, барқарорлик, саховат, меҳр-оқибат муҳитини асраб-авайлаш, халқ фаровонлигини таъминлашга оид ғоя ва қарашлари мустақил Ватанимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда ўз ифодасини топмоқда.

Мустаҳкам оила йили деб номланган жорий йилда жамиятимизда ижтимоий адолат тамойилларини янада кучайтириш, оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли манфаатларини ҳимоялаш, баркамол шахсни вояга етказиш, ёшлар онгу шуурини миллий ҳаёт тарзимиз, маънавиятимизга зид бўлган бегона ва зарарли ғоялар таъсиридан асраб-авайлашга доир ибратли ишлар улуғ бобокалонимизнинг ўгит ва насиҳатларига ҳамоҳангдир. Шу боис Амир Темур ва темурийлар тарихи, дунё цивилизацияси ривожидаги аҳамияти жаҳон миқёсида тобора кўпроқ қизиқиш ва эътибор билан ўрганилмоқда.

Тадбирда Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов иштирок этди.

•••

Шу куни Темурийлар тарихи давлат музейида Халқаро Амир Темур жамғармаси билан ҳамкорликда Амир Темур даврида оиланинг жамиятда тутган ўрнига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. «Тарихий обидаларимиз: кеча ва бугун» мавзуидаги кўргазма очилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

# АМИР ТЕМУРНИ УЛУҒЛАШ —

## *буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир*

**Ҳозирги даврда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришдек улуғвор мақсадларга халқни сафарбар этишда, миллий ифтихор ва ғурур туйғуларини янада мустаҳкамлаш, миллий руҳни юксалтиришда, буюк ватандошимиз Соҳибқирон Амир Темур меросига мурожаат этиш зарурати табиий ҳолдир.**



Мамлакатимиз раҳбарининг буюк аждодимиз Амир Темурнинг ўтган йили мукаммал ҳолда чоп этилган «Темур тузуклари» асарига ёзган сўзбошисини ўқиб, бунга яна бир бор иқрор бўласан, киши. Сўзбошида қуйидаги фикрлар билдирилади: **«...Амир Темур шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш — тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизни, ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир».**

Ҳазрати Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 676 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда бу буюк зотнинг тарихда тутган ўрни янада улуғворлик касб этмоқда. Умуман, ҳозирги даврдаги тарих фанининг ютуқлари, унинг энг сўнгги натижаларига асосланиб Соҳибқирон даврига разм солсак, ўша пайтда Мовароуннаҳр ҳудудида вазият ниҳоятда мураккаб ва чигал бўлганлигини англаймиз. Бир томондан, мўғул амирлари, яъни Чингизхон ворислари ўзларининг олдинги буюклигини тиклашга, Чиғатой улусини ўз таъсирида сақлашга уринаётган бўлса, бошқа томондан, Мовароуннаҳрда вояга етган маҳаллий амирлар мустақил давлат қуриш, ўз юртини ўзлари бошқариш туйғулари билан озодлик ҳаракати ишқида ёнмоқда эди. Ана шундай тарих силсиласида сиёсат майдонида Амир Темур пайдо бўлди.

XIV асрнинг ўрталарига келиб мустақиллик учун кураш ғоясининг туғилиши ва бундай ҳаракатнинг бошланиши учун ижтимоий-сиёсий ва руҳий шарт-шароитлар етилган эди. Маълумки, ўша пайтда Мовароуннаҳр маданияти ўзининг қадим илдизларидан руҳий қувват олганлиги, бу юрт халқи неча минг йиллар аввал ўз миллий давлатчилигига эга бўлганлиги, шунингдек, уларнинг мўғуллардан фарқли ўлароқ ўтроқ ва маданий ҳаёт тарзи бу ўлканинг абадий мўғуллар истибдоди остида қолишига йўл қўймас эди.

Маълумки, ҳазрати Соҳибқирон зийрак сиёсатчи, фаросатли, ақлли саркарда бўлишидан ташқари инсоннинг руҳий оламини, унинг дунёқарашига ниҳоятда таъсир қила олиш қобилиятига эга, ўта сезгир шахс эди. Кўп манбаларда ҳазрати Соҳибқироннинг мадрасадаги талабалик пайтидаёқ ақлли, ўта билимдон, интилувчан бўлганлиги, ислом илмини ҳам мукаммал билиши ҳақида маълумотлар бор. Шунинг учун у илк бор ўз даврининг нафасини, мафкураси ва сиёсатини чуқур илғаган эди. Шу тариқа бўлажак Соҳибқирон шайх Зайниддин Абубакр Тойободий, Хўжа Аҳмад Яссавий, Сайид Амир Кулол каби ислом дининг улуғ алломалари таълимотлари таъсирида вояга етди.

Соҳибқирон Амир Темур ўз тузукларида илгари сурган қудратли давлат қуриш, миллатни бирлаштириш ва халқ фаровонлигини таъминлаб бориш учун ўзининг тамойилларини ишлаб чиқиб, уларни ҳаётда амалга ошира олган буюк зот эди. «Темур тузукларида» келтирилган бу тамойилларни қисқача ифодалаганда, улар қуйидагилардан иборат:

— салтанатим ишларини муросаю мадора, мурувват ва сабр-тоқат билан юргиздим. Кўп нарсани билиб турсам ҳам ўзимни билмасликка олардим. Дўсту душман билан муросаю мадора қилдим;

— давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим. Тўра ва тузукка таяниб, салтанатда ўз мартаба ва мақомимни мустаҳкам сақлаб турдим. Амирлар, вазирлар, сипоҳ, раият ҳар бири ўз лавозим ва мартабасидан мамнун ҳолда хизматимда бўлиб, ундан ортиғига даъвогарлик қила олмади;

— салтанат тўнини кийгач, тинчлигу соғлигим кетди, ўз тўшагимда роҳатда ухлаш ҳузурҳаловатидан воз кечдим. Ўн икки ёшимдан турли диёрларни кездим, ранжу меҳнат тортдим. Ҳар хил тадбирлар қўллаб [ғаним] фавжларини синдирдим. Амирлар ва сипоҳийларнинг исёнларини кўрдим, улардан аччиқ сўзлар эшитдим. Лекин сабру бардош билан ўзимни эшитмаган-кўрмаганга солиб, уларни тинчитдим. Қилич кўтариб жанг майдонига отилдим ва шу тариқа дунёда ном чиқардим;

— адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим. ...Золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим. Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам, илтижо билан тавба-тазарру қилиб келгач, ҳурматлаб ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим. Мартабаларини оширдим;

— саййидлар, уламою машойих, оқилу донолар, муҳаддислар, хабарчилар (тарихчилар)ни танланган, эътиборли одамлар ҳисоблаб, иззату ҳурматларини жойига қўйдим. Шижоатли кишиларни дўст тутардим, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди. Уламо билан суҳбатда бўлдим ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпиндим. Буларнинг ҳимматларидан улуш тиланиб, муборак нафаслари билан дуофотиҳа беришларини илтимос қилдим. Дарвиш, фақир ва мискинларни ўзимга яқин тутдим, уларнинг кўнгилларини оғритмадим ва бирон талабларини рад этмадим;

— азму жазм билан иш тутдим. Бирон ишни қилишга қасд қилган бўлсам, бутун зеҳним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан қўлимни тортмадим. Ҳар неки деган бўлсам унга амал қилдим...»

Ҳазрати Соҳибқирон юксак маънавият соҳиби эди. Масалан, Соҳибқирон жамиятдаги арбоблар ва давлатни бошқарувчи аёнлар билан муносабатда бўлганда, уларни ҳар хил тоифаларга бўлиб, уларнинг ўзларига яраша муносабатда бўлган. У ҳар бир одамнинг истеъдоди ва қобилиятига, халқ ўртасидаги обрўсига, насл-насабига қараб мансабларга қўйган. Ҳар бир мансабдорни назорат қилиш тартиботини ҳам юзага келтирган. Шу билан бирга, ҳоким ва амирларини эъзозлаш, уларни хизматига яраша улуғлаш ва ардоқлашдан ташқари, кези келганда, яъни улар томонидан давлат қонунлари бузилганида, халқнинг зулм чекишига сабаб бўлган ҳолларда қаттиқ жазолаган.

Ҳазрати Соҳибқирон фақат ўз шахсий салтанатининг юксалиши учун ҳаракат қилганида у шунчалик улкан зафарларга эришмаган бўларди. Унинг тарихий ғалабалари сабаби, бу — улкан ғоялар учун кураш меваси эканлигини ҳеч ким инкор қила олмайди. Соҳибқирон ҳеч вақт ўзининг шон-шуҳратини эмас, балки салтанатнинг мустаҳкамлигини ўйлаган. У салтанат кучли бўлса, юртда бирлик бўлиши, бундай юртга тажовуз қилишга ҳеч қандай душманнинг кучи етмаслигини англаган. Шу боис, мамлакат бирлигини бузиш учун қилинган ҳар бир хатти-ҳаракат қаттиққўллик билан жазоланар эди.

Амир Темур давлатининг қудратли ва улуғворлигининг сабаби шунда эдики, у мансабдорликка ва қўшин саркардалигига номзодларни ниҳоятда синчиклаб ўрганиб, бу ишларга энг сара ва етакчилик фазилатларини эгаллаган инсонларни танлар эди. Салоҳиятли ва ҳақиқий давлат хизматкорини Соҳибқирон қуйидагича таърифлаган эди: «Тажрибамда кўрилганким, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши, минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир. Чунки тажрибали бир киши минг кишига иш буюради».

Ҳазрати Соҳибқироннинг буюклиги ва қудратини даврлар ўтган сайин янада чуқурроқ ва кенгроқ англашга зарурият сезилмоқда. Айниқса, Истиқлолимизни мустаҳкамлаш, ўзлигимизни англаш, мустақил давлатчилигимизни қуриш, миллий ғурурни шакллантириш жараёнларида бот-бот Соҳибқирон меросига мурожаат қилишимизнинг боиси ҳам бунинг ёрқин далилидир. Миллий мустақил давлат қуриш, миллий уйғониш руҳини юксалтириш, ўз маънавиятимизни тиклаш каби долзарб мақсадларимиз озиқланадиган манбалар сарчашмаси — бу Соҳибқирон Амир Темур меросидир. Чунки нафақат бизнинг миллатдошларимиздан, балки, дунё тарихида ҳеч ким ўрта асрларда буюк Амир Темур салтанатидек қудратли давлат қура олган эмас. Аллоҳ ёрлақаган Соҳибқирон ўз атрофини ўраб турган юзлаб чингизий хонлар, амирлар орасида биринчи бўлиб шу Туронзамин халқининг мустақил яшашга лойиқ ва қодир эканлигини исботлаб берди. Бу жиҳатдан ҳазрати Соҳибқирон мероси, унинг ҳаёт йўли ва фаолияти, у тузган қудратли давлат бизнинг миллий руҳимиз ва миллий ифтихоримиз пойдеворидир.

Биз ҳозир мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқадиган жуда муҳим бир даврда яшаяпмиз. Мустақил Ўзбекистон ўтган 20 йил давомида келажаги буюк давлат эканлигини исботлади. Шундай экан, узоқ ўтмиш билан бугунги кунни боғлаш шартми, бундан нима фойда? Ҳар ҳолда айримларда ана шундай саволлар туғилиши мумкин. Тарихда ўтган барча асрлар бирбири билан бир риштага боғланган. Ҳар бир аср ўзидан олдингисининг давоми. Шунингдек, бугунги авлод қонида, руҳиятида ҳам ўтган аждодлар меросини кўриш мумкин. Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатда ҳам Амир Темур давлатчилигига хос бўлган очиқлик, адолатлилик, ҳар бир ишни етти ўлчаб, маслаҳат билан қилиш каби тамойиллар кўриниб турибди.

Давлатимиз раҳбари «Темур тузуклари» китобига ёзган сўзбошисида Соҳибқироннинг давлат арбоби ва енгилмас саркарда, айни вақтда инсон сифатидаги фазилатларига юксак баҳо беради. Унда таъкидланганидек, бу китобни ўқиган ёшларимиз, ҳар бир юртдошимиз қалбида миллий ғурур туйғуси юксалади, ўзининг қандай буюк зотларнинг авлоди эканини янада чуқурроқ ҳис этади, ҳаётнинг ҳар қандай синов ва қийинчиликларини енгишга қодир инсонлар бўлиб вояга етади.

Дарҳақиқат, миллий истиқлолимизнинг қудрати, кучи, унинг мафтункор жозибаси метиндек мустаҳкам пойдеворга — миллий тарихимизга, жумладан, ҳазрати Соҳибқирон Амир Темур меросига таянишидадир.

**М.ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**сиёсий фанлар доктори,**
**профессор.**

Тақдимот

# АВТОТРАНСПОРТДА ИНТЕРФАОЛ ХИЗМАТ

**Ҳар куни ишга, ўқишга ёки бозорга бориш учун транспорт воситаларидан фойдаланамиз. Шаҳар атрофи ва шаҳарлараро йўналишларда қатновчи автобус ва таксига ишимиз тушади. Аммо биз фойдаланаётган транспорт воситаси хизмати қонунийми, техник созлиги, ҳайдовчи саломатлиги манзилимизга эсон-омон етиб боришимизни таъмин этадими? Шуни олдиндан билсак, хотиржам бўламиз. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигида ўтган матбуот анжумани йўловчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ноқонуний автотранспорт хизмати кўрсатилишига барҳам бериш мақсадида ахборот коммуникация технологияси асосида ишлаб чиқилган интерфаол хизмат тақдимотига бағишланди.**

Агентлик бошлиғининг биринчи ўринбосари Шоолим Шоваҳобов янгиликнинг мазмун-моҳияти ҳақида ахборот берди. Шаҳар, туман ичида транспорт хизматидан фойдаланаётган йўловчи ёки яқин одамини автошоҳбекатдан бошқа шаҳарга кузатаётган фуқаро автотранспорт давлат рақамини қўл телефони орқали SMS тарзида лотин ҳарфларида оралиқ қолдирмай 5500 рақамига (бу агентлик маълумот базаси) юборса, кифоя. Зум ўтмай, бу автотранспорт воситаси қайси ташкилотга қарашлилиги, лицензияси мавжудлиги тўғрисида SMS жавоби келади. Бу жавобда амалдаги лицензия варақасига киритилган барча маълумотлар акс этади. Агар рад жавоби келса, билингки, бу транспорт воситаси мутлақо ноқонуний фаолият кўрсатмоқда.

Агентлик ахборот хизмати раҳбари Норбек Тошниёзов автотранспорт хизмати бўйича жамоат назоратини олиб боришнинг афзалликлари ҳақида маълумот берди. Маълумотлар агентлик марказий идораси мониторинг экранида намойиш этилди. Агентлик марказий идораси ва вилоятлардаги ҳудудий вакилликлар ахборот коммуникация технологияси замонавий ускуналари билан таъминланган. Тармоқдаги ҳужжат алмашувнинг 75 фоизи электрон алоқага ўтказилган. Марказий аппарат электрон базасида 3000 дан ортиқ юридик шахс ва уларга тегишли 30 мингдан отиқ автотранспорт воситаси тўғрисида маълумот мавжуд.

Лицензиялаш тизими тўлиғича интерфаол хизматга ўтказилган. Аризачи агентлик сайтига кириб зарур ҳужжатлар рўйхати бўйича саволларга жавоб тайёрлаб интернет орқали агентликка юборса, икки кун ичида лицензияга эга бўлади.

**Абдуваҳоб АБДУБАННОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Миллий матбуот марказида

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси «Юртимизда тўқимачилик машинасозлигини яратиш борасида олиб борилаётган ишлар, инвестиция лойиҳалари, жаҳон тажрибасидан самарали фойдаланиш масалалари» мавзусида матбуот анжумани ўтказди.

# «ЎЗБЕКЕНГИЛСАНОАТ»: РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Компания раисининг ўринбосари Шамсиддин Султонов мамлакатимиз жаҳон тўқимачилик ҳамжамиятига қатъий ишонч билан кириб бораётгани, маҳаллий ва хорижий сармоялардан самарали фойдаланиб, ишлаб чиқариш модернизация қилинаётгани ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ортгани ҳақида атрофлича маълумот берди.

Соҳа корхоналарида ишлаб чиқариш қувватлари йилдан-йилга ошиб, кенг ассортиментда ип калава ва газлама, тикувчилик ҳамда тикув-трикотаж ва хилма-хил пайпоқлар тайёрланмоқда. Аҳоли кенг қатлами, тиббиёт ва бошқа соҳа ходимлари учун махсус кийимларга бўлган эҳтиёж тўла қондирилмоқда.

Мустақиллик йилларида Германия, Швейцария, Италия, Жанубий Корея, Япония, АҚШ, Ҳиндистон ва бошқа кўплаб давлатлар инвестициялари асосида 150 дан зиёд қўшма корхона ташкил этилди. 2008-2011 йилларда соҳага 438 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдорда инвестиция жалб қилинди. Бу йил ҳам умумий қиймати 150 миллион АҚШ долларига тенг 20 дан зиёд инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши кўзда тутилган. Натижада 3000 дан зиёд янги иш ўрни очилади. Наврўз байрами арафасида жойларда 6 та янги корхона фойдаланишга топширилди.

Замонавий тўқимачилик асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш республика ҳукуматининг доимий диққат марказида. Бугунги кунда қиймати 3,8 миллион АҚШ долларига тенг инвестиция жалб этилиб, Тошкент шаҳрида «Ритер Ўзбекистон» хорижий корхонаси барпо этилмоқда. Швейцариянинг жаҳондаги етакчи компанияси ҳамкорлигида қурилаётган бу корхонанинг биринчи босқичи шу йилнинг биринчи ярмида ишга тушиши кутилмоқда. Шунингдек, Германия ва Жанубий Корея билан ҳамкорликда пайпоқ ҳамда тўқимачилик матолари тўқиш ускуналарини йиғиш бўйича лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда. Бу мақсадлар учун 5,5 миллион АҚШ долларидан зиёдроқ хорижий инвестиция жалб этилади.

Компания ўз тасарруфидаги корхоналарни такомиллаштириш, маҳсулот сифати ва самарадорлигини ошириш билан бирга, инновацион фаолликни кучайтириш, илмий имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, янги маҳсулот турларини кўпайтириш, тўқимачилик машинасозлигини ривожлантириш йўлида муттасил изланмоқда. Анжуманда мавжуд корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш даражасини ошириш ҳамда рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва улар экспортини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

Анжуман

# ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ОШИРИШДА

## оммавий ахборот воситаларининг ўрни

**Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» меҳмонхонасида Ўзбекистон мустақил босма ОАВлари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида семинар ўтказилди.**

Ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Республика маънавият тарғибот маркази масъул ходимлари ҳамда мамлакатимиздаги йирик босма ва интернет нашрлари, ахборот агентликлари вакиллари иштирок этди.

— Бугунги семинарни ташкил этишдан асосий мақсад мамлакатимизда ёшлар сиёсати, жумладан таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти билан жамоатчиликни кенгроқ таништириш ва мазкур йўналишда журналистларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, уларни маълумотлар билан тўлароқ таъминлаш, ёшларни турли иллатлар таъсиридан ҳимоялашда ОАВлари вакилларининг масъулиятини кучайтиришдан иборат, — дейди **Ўзбекистон мустақил босма ОАВлари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Абдулазиз Абдуллаев.**

— Сўнгги пайтларда турли ташкилотлар билан ҳамкорликда шу каби тадбирларни ташкил этиб келяпмиз. Бугун бўлиб ўтаётган семинар ёшларга оид бўлган муаммоларни ОАВларида кенгроқ ёритилишини таъминлаш масаласига бағишланган, — дейди **Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори ўринбосари Адҳам Ҳамдамов.**



— Нафақат ёшлар муаммолари, балки мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ёритилишида журналистларнинг ўрни катта. Бизнинг институтимизда оммавий ахборот воситаларни билан ишлайдиган, уларнинг муаммолари билан шуғулланадиган лойиҳа мавжуд. Бу лойиҳада 5-6 та ходим фаолият кўрсатиб келяпти.

— Биз буюк келажак қуриш орзусида яшаяпмиз. Бу бежиз эмас, — дейди **Сенат аъзоси Ҳамротош Шодиева.** Агар биз эртанги кунимиз тинч, фаровон бўлишини истасак бугун ёшларимизга алоҳида эътибор қаратишимиз керак. Уларнинг билими, маънавияти юксак бўлиши нафақат бу ерга йиғилганларнинг, балки мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг диққат марказида бўлиши керак. Бугунги кунда ахборот оламида Интернет даври келди. Интернет-телевидение, интернет-радио, электрон почта, онлайн-видео каби кўплаб янги ахборот тарқатиш технологиялари жадал суръатлар билан ривожланиб, уларнинг аудиторияси ва таъсир доираси тобора кенгайиб боряпти. Бу каби ахборот воситаларига асосан ёшларнинг жуда катта қизиқиш билан қараши ва улардан кенг фойдаланиши ҳисобга олинадиган бўлса, масаланинг нақадар муҳимлиги, глобаллашув жараёнида ёшларни турли хил кўринишдаги ахборот хуружлари ва ғоявий таъсирлардан ҳимоялашимиз кераклиги ойдинлашади.

— Ёшларимиз билимли, маънавиятли бўлса уларни ҳеч ким ёт ғояларга оғдира олмайди, — дейди **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Абдуғаффор Қирғизбоев.** — Бу борада мутахассисларнинг ва журналистларнинг зиммасида катта масъулият мавжуд. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, мавжуд муаммоларни бартараф этишда якдиллик, фидойилик зарур. Мамлакатимиз аҳолисининг салкам ярмини 18 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Улар бугунги кунда Ўзбекистоннинг жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишмоқда.



— Ҳар биримиз яхши биламизки шахс маънавиятининг, хусусан ёшлар маънавиятининг юксалишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта, — дейди **Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Акбар Эшмуродов.** — Чунки болалар етти ёшидан бошлаб маълумот йиғишни бошлайди. Бу борада телевидениенинг ўрни катта эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу сабабдан ҳам уларга тўғри маълумотларни етказишга барчамиз бирдек масъулмиз. Ўзбекистон Республикасининг Ахборотлаштириш тўғрисидаги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан қатор меъёрий ҳужжатлар ва дастурлар қабул килиниб, ахборот тармоғини шакллантириш, ахборот ресурсларини яратиш ва АКТни таълим жараёнида қўллаш бўйича чора-тадбирлар белгиланмоқда. Бу эса ўз навбатида барча олий ўқув юртлари ягона корпоратив тармоққа бирлаштирилишига, тегишли веб-сайтларнинг ишга туширилишига, интернет тармоғининг миллий сегментида ахборот ресурсларини шакллантириш режасига мувофиқ барча ўқув юртлари веб-сайтлари ахборот-таълим порталига бирлаштирилишига, ўқув қўлланма ва маъруза матнлари электрон-таълим базасида жойлаштирилишига эришилиб, «ZiyoNET» ахборот-таълим тармоғи ресурслари яратилди...

Семинарда ёшларнинг маънавияти ва дунёқарашини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли юзасидан мутахассисларнинг маърузалари тингланди. Мавжуд муаммолар ечими бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Темур АЪЗАМ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**
**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.**

---

Спорт

DAVIS CUP by BNP PARIBAS

**Намангандаги «Паҳлавон» спорт мажмуи норасмий жаҳон чемпионати сифатида эътироф этилувчи Дэвис кубогининг Осиё — Океания минтақаси саралаш учрашувларига мезбонлик қилди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси ҳиндистонлик ракеткачиларга қарши кортга чиқди.**

# Дэвис кубоги: ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН — 3:2

Мусобақанинг дастлабки кунида мамлакатимизнинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин меҳмонлар вакили Санам Сингхни уч сет якунига кўра (6/3, 6/2, 6/4) мағлубиятга учратган бўлса, яна бир моҳир ракеткачимиз Фаррух Дўстов Юки Бхамбрини доғда қолдирди — 6/4, 6/4, 6/3.

Бу муваффақият навбатдаги жуфтлик баҳсидан олдин ҳамюртларимизга руҳий жиҳатдан катта устунлик бахш этди. Натижада Денис Истомин ҳамда Мурод Иноятов «дуэти» жаҳоннинг етакчи теннисчилари қаторига кирган Леандер Паес/Рохан Бопанналар жуфтлиги устидан ғалабага эришдилар — 7/6, 6/4, 3/6, 6/3.

Дастлабки икки кунда терма жамоа аъзолари учун зарур натижани қўлга киритганлиги боис, охирги икки учрашув теннисчиларимиз учун тайёргарлик машғулотлари вазифасини ўтади. Шунчаки расмиятчилик учун кечган баҳсларда Денис Истомин Юки Бхамбрига (6/7(1), 6/7(3), 6/7(3), Сарвар Икромов эса Рохан Бопаннага (2/6, 7/6(0), 1/6) имкониятни бой берди.

Шундай қилиб, Осиё — Океания минтақаси саралаш учрашувларини юксак савияда ўтказган теннисчиларимиз Дэвис кубогининг жаҳон лигаси баҳсларига йўлланмани қўлга киритдилар. Дастлабки босқичда Янги Зеландия ракеткачиларидан 3:2 ҳисобида устун келган Ўзбекистон терма жамоаси Ҳиндистон теннисчиларини ҳам худди шу ҳисобда енгди.

Эслатиб ўтамиз, Петр Лебед сардорлигида мусобақаларда қатнашаётган ўзбекистонлик спортчилар Дэвис кубоги учрашувларида ўн тўққизинчи маротаба қатнашаётган бўлиб, бешинчи маротаба жаҳон лигаси босқичига йўлланмани қўлга киритмоқда.

# ЛОНДОН ОЛИМПИАДАСИГА

## яна икки йўлланма

**Бокс бўйича Остона шаҳрида давом этаётган Осиё чемпионатида йигирма бешта олимпия йўлланмаси учун кураш олиб боряпти.**

Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари бешта вазн тоифасида рингга кўтарилишмоқда — Ўктамжон Раҳмонов (64 кг), Аҳмаджон Мамажонов (69 кг), Аббос Атоев (75 кг), Рустам Тўлаганов (91 кг) ҳамда Иззат Эргашев (+91 кг).

Баҳсларни ҳамюртларимиз ишончли бошлашди. Жумладан, иқтидорли боксчимиз Ўктамжон Раҳмонов чорак финалда ўз вазн тоифасида япониялик Масатсугу Кавачини очколар ҳисобида енгиб, учрашувларни давом эттирадиган бўлди — 15:11. Бу ғалаба вакилимизга Лондон олимпиадаси йўлланмасини тақдим этди.

Ўтган йили Бокуда ўтказилган жаҳон чемпионатида икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев япониялик боксчига ютқазиб, кўпчиликни ажаблантирганди. Остона рингларида моҳир «чарм қўлқоп» устаси ушбу мағлубият тасодиф эканлигини исботлади. Аббос чорак финалда малайзиялик Моҳд Харон Муҳаммад Фарханни катта устунлик (12:4) билан енгиб, Лондон олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Медаллар учун курашни давом эттираётган ҳамюртимиз энди ярим финалда тожикистонлик Собиржон Назаровга қарши кураш олиб боради.

Яна бир боксчимиз Иззат Эргашев оғир вазн тоифасида навбатдаги босқичда эронлик Абдулмажид Сепалванди билан куч синашади. Агар ушбу учрашувни Иззат муваффақиятли якунлай олса, боксчиларимиз ҳисобидаги олимпия йўлланмалари сони яна биттага кўпаяди.

Эслатиб ўтамиз, мазкур мусобақага қадар мамлакатимиз «чарм қўлқоп» усталаридан Жасурбек Латипов (52 кг), Орзубек Шоимов (56 кг), Фазлиддин Ғоибназаров (60 кг) ҳамда Элшод Расулов (81 кг)лар Лондон олимпиадасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлишганди.

**Эркин ХОЛБОБО**

---

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

# ЭКОЛОГИК БОҒ БАРЧАНИ ЧОРЛАЙДИ

**Тошкент шаҳрида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан экологик боғ барпо этилди.**

Унинг очилишига бағишланган тадбирда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, она табиатни асраб-авайлаш, унинг бебаҳо неъматларидан оқилона фойдаланиш, ёшларнинг экологик маданиятини ошириш, ўқувчиларнинг таълимдан ташқари бўш вақтини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан мазкур йўналишда қатор ижодий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Экологик боғ — шулардан бири. Ушбу замонавий боғни яратишда Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталарининг «Ijod» уюшмаси аъзолари, меъморлар, рассомлар, ландшафт-дизайнерлари, «Келажак овози» ва бошқа санъат йўналишидаги лойиҳаларда ғолиб чиққан ёш ижодкорларнинг ҳиссаси айниқса катта бўлди.

Экобоғ ҳудуди асосан уч қисмдан — велосипедчилар ва скейдбордчилар учун махсус йўлакчалар, кичкинтойлар учун турли аттракцион ва инсталляцияга эга ўйинлар ҳудуди ҳамда болаларга тасвирий ва амалий санъат сирларини ўргатиш майдончасидан иборат. Боғ марказидаги ҳунармандлар устахонаси тасвирий ва амалий санъат бўйича тўгараклар, маҳорат сабоқларини олиб боришга мўлжалланган. Атрофдаги майсазору турфа гуллар, дарахтзорлар, мўъжаз ҳайкалчалар, кулолчилик буюмлари ушбу ҳордиқ масканига янада фусункорлик бахш этган. Бу ерда ота-оналар ва болаларнинг мароқли дам олиши, фанлар, бадиий ижодиёт бўйича тўгарак машғулотлари, очиқ дарслар ўтказиш учун барча шароитлар яратилган.





Экобоғ очилган дастлабки куни «Аёллар кенгаши» Республика жамоат бирлашмасининг «Кўчат ўтқаз!» акцияси доирасида таниқли санъаткорлар, спортчилар, шифокорлар, ёшлар ва ота-оналар томонидан ўнлаб кўчатлар ўтқазилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

***Суратларда:*** *Тошкент шаҳридаги экологик боғда.*
**Асқар ЁҚУБОВ (ЎзА) олган суратлар.**

---

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 30 мартдаги 89-сонли буйруғига асосан Республика ихтисослашган бўғимлар ва қўл-бармоқ жарроҳлик маркази (ИНН 200846018, ОКОНХ 91511)

**ТУГАТИЛАДИ.**

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади:
***Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй.***

---

Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси Гулистон шаҳар кенгаши раиси Отабек Даврановга падари бузруквори
**Жонибек ота**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

| ОБ-ҲАВО | 10-11 – 04. 2012 | |
|---|---|---|
| **Юртимиз бўйлаб (°C)** | | |
| *Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти* | | |
| +10 / +15 | +25 / +30 | |
| *Бухоро ва Навоий вилоятлари* | | |
| +10 / +15 | +25 / +30 | |
| *Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари* | | |
| +10 / +15 | +23 / +28 | |
| *Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари* | | |
| +10 / +15 | +25 / +30 | |
| *Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари* | | |
| +10 / +15 | +22 / +27 | |
| *Тошкент шаҳри* | | |
| +12 / +14 | +24 / +26 | |
| **Дунё бўйлаб (°C)** | | |
| Лондон | +4 / +5 | |
| Париж | +11 / +7 | |
| Москва | +1 / +2 | |
| Мадрид | +10 / +6 | |
| Пекин | +14 / +10 | |
| Гонгконг | +22 / +22 | |
| Рим | +8 / +11 | |
| Анқара | +7 / +6 | |
| Токио | +10 / +12 | |
| Стокгольм | +3 / +4 | |
| Кейптаун | +11 / +13 | |
| Қоҳира | +18 / +23 | |
| Гавана | +22 / +22 | |
| Вашингтон | +3 / +5 | |

---

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят кенгаши Пахтачи туман кенгаши раиси Исмат Санаевга укаси
**Ҳайдар САНАЕВ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 446
17168 nusxada bosildi.

t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.40
Topshirilgan vaqti — 23.40

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5